



O'SIMLIK MODDALARI KIMYOSI INSTITUTI

M.A.MAMATXANOVA

B.J.ELMURADOV

01-10-195.маълумот сўралган

Muddat: 25 Sentabr 2023

01-10-195
Sentabr 2023

Ш.Ш.САГДУЛЛАЕВ
Директор





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI PREZIDENTINING BUYRUG‘I

2023-yil 19-sentabr

18-89-son

Toshkent shahri

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 9-sentabrdagi PQ-298-sonli qarorining ijrosini ta’minlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentiningning 2023-yil 9-sentabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tashkil topganligining 80-yilligiga bag‘ishlangan yubiley tadbirlarini o‘tkazishning tashkiliy chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-298-sonli qarorida belgilangan vazifalar ijrosini Fanlar akademiyasi tizimida ta’minlash maqsadida

BUYURAMAN:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentiningning 2023-yil 9-sentabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tashkil topganligining 80-yilligiga bag‘ishlangan yubiley tadbirlarini o‘tkazishning tashkiliy chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-298-sonli qarori ijro uchun qabul qilinsin.
2. Fanlar akademiyasining “O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi tashkil topganligining 80-yilligiga bag‘ishlangan yubiley tadbirlarini o‘tkazishning tashkiliy chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2023-yil 12-sentabrdagi 1/298-sonli nazorat rejasi tasdiqlanganligi ijro uchun qabul qilinsin.
3. Bosh ilmiy kotib (G.A. Baxadirov), vitse-prezidentlar (B.T. Ibragimov, S.Z. Mirzayev, B.A. Abduxalimov), ularga tegishli bo‘linma va xizmatlar, akademiya tizimidagi barcha tashkilotlar rahbarlari mazkur qaror bilan tasdiqlangan Fanlar akademiyasi tashkil topganligining 80-yilligiga bag‘ishlangan yubiley tadbirlarini tashkil etish va o‘tkazish bo‘yicha tashkiliy qo‘mita topshiriqlarini o‘z vaqtida va sifatli ijro etilishini ta’minlasinlar.
4. O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining yubiley tadbirlarini chet eldagi olimlarini jalb qilgan holda 2023-yil 12–14-dekabr kunlari Toshkent shahrida o‘tkazilishi ma’lumot va ijro uchun qabul qilinsin.
5. Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag‘ishlangan tadbirlarni o‘tkazish bo‘yicha Ishchi komissiya tarkibi 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
6. Ishchi komissiya (B.S. Yuldashev) faoliyatining asosiy vazifalari etib quyidagilar belgilansin:
Fanlar akademiyasining 80-yilligi yubileyiga puxta tayyorgarlik ko‘rish va uni tantanali tadbirlarni yuksak tashkiliy darajada o‘tkazish;
Fanlar akademiyasining ilm-fan sohasida erishgan yutuqlarini yoritish, bu sohadagi davlat siyosatining mohiyatini keng tushuntirish bo‘yicha 2023-yilda o‘tkaziladigan tadbirlar rejasini ishlab chiqish va amalga oshirish;

Fanlar akademiyasining fundamental, amaliy va ijtimoiy-gumanitar sohalarda erishgan yutuqlari, ilmiy maktab namoyandalari va nufuzli olimlarning ilmiy-madaniy merosini ommaviy axborot vositalarida yoritish hamda yoshlar o'rtasida keng targ'ib qilish;

Fanlar akademiyasining haqiqiy a'ziligiga tanlov o'tkazish;

Respublikamizning iqtisodiy va ma'naviy yuksalishiga qo'shayotgan beqiyos hissasi, ko'p yillik samarali ilmiy-ijodiy faoliyati, yuqori malakali ilmiy kadrlarni tayyorlash, boy ma'naviy merosimizni o'rganish, uni xalqaro jamoatchilik o'rtasida keng yoyish, millatlararo do'stlik va totuvlikni mustahkamlash borasidagi xizmati hamda jamoat ishlarida faol qatnashayotgan xodimlar ro'yxatini shakllantirish;

barcha anjumanlar to'g'risidagi materiallarni akademiya veb-saytiga joylashtirib borish; "Fanlar akademiyasi 80 yoshda" mavzusida fanlar yo'nalishlarida xalqaro konferensiyalar tashkil etish va o'tkazish ishlarini amalga oshirish.

7. Vitse-prezident (B.T. Ibragimov), Fizika-matematika va texnika fanlari bo'limi rahbari-ilmiy kotib (S.A. Baxramov) Fanlar akademiyasining haqiqiy a'ziligiga tanlovni tashkil etish choralarini ko'rsin.

Unda:

Tanlov komissiyasi tarkibini shakllantirish va tasdiqlash;

Tanlov bo'yicha o'rnatilgan tartibda OAVda e'lon berish;

Talabgorlar hujjatlarini yig'ib olish;

Kelib tushgan hujjatlarni dastlabki texnik ekspertizadan o'tkazish;

Talabgorlarni ma'ruzalari va hujjatlari asosida o'rnatilgan tartibda baholash;

Tanlov yakuni bo'yicha komissiya xulosasini shakllantirish va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi prezidiumiga taqdim etish;

Fanlar akademiyasi prezidiumi qarori asosida tegishli materiallarni o'rnatilgan tartibda Vazirlar Mahkamasiga kiritish quyidagilar ko'zda tutilsin.

8. Bosh ilmiy kotib (G.A. Baxadirov), vitse-prezidentlar (B.T. Ibragimov, S.Z. Mirzayev, B.A. Abduxalimov), yosh olimlar kengashi raisi (S.S. Gulyamov) 2023-yil oktabr oyida Fanlar akademiyasi Yosh olimlar konferensiyasini o'tkazishni ta'minlasin.

9. Vitse-prezident (S.Z. Mirzayev), moliya iqtisod bo'limi boshlig'i (J.A. Mirkamilov) yubiley tadbirlariga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish bilan bog'liq xarajatlar smetasini ishlab chiqilishida faol ishtirok etsin;

yubiley tadbirlarini tashkil etish va o'tkazish bilan bog'liq amalga oshirilgan haqiqiy xarajatlarning asosiligi bo'yicha tegishli hujjatlarni Fanlar akademiyasi tashkil topganligining 80 yilligiga bag'ishlangan yubiley tadbirlarini tashkil etish va o'tkazish tashkiliy qo'mitasiga taqdim etsin.

10. Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag'ishlangan "Ilm-fan yangi O'zbekiston poydevori" xalqaro konferensiyasini tashkil etish bo'yicha ishchi guruhi tarkibi **2-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

Xalqaro konferensiyani tashkil etish bo'yicha ishchi guruh (**G.A. Baxadirov**) **5 kun muddatda** xalqaro konferensiyani yuksak saviyada o'tkazish uchun amalga oshiriladigan tadbirlar rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi Prezidiumiga kiritсин.

Unda quyidagilar ko'zda tutilsin:

xalqaro konferensiya axborot xatini tayyorlash va tarqatish;

xalqaro konferensiya veb-sahifasini ishga tushirish;

xalqaro konferensiya materiallarini shu'balar bo'yicha taqsimlash va konferensiya materiallari to'plamini shakllantirish;

xalqaro konferensiya dasturini shakllantirish

11. Ilm-fan sohasida erishilgan yutuqlarini yoritish, bu sohadagi davlat siyosatining mohiyatini keng tushuntirish bo'yicha tashkiliy-targ'ibot tadbirlarni o'tkazilishini ta'minlash uchun Axborot ishchi guruhi tarkibi **3-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

Axborot ishchi guruhi (G.R. Sharafova) **5 kun muddatda** Ilm fan targ'iboti markazi (A. Xakimov) bilan birgalikda ilm-fan sohasida erishilgan yutuqlarini yoritish, bu sohadagi

davlat siyosatining mohiyatini keng tushuntirish bo'yicha tashkiliy-targ'ibot tadbirlar rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi prezidiumiga kiritсин.

Unda quyidagilar ko'zda tutilsin:

Fanlar akademiyasi va uning ilmiy tashkilotlari faoliyatiga oid roliklar tayyorlash;
ilmiy tashkilotlar va muzeylarda ochiq eshiklar kunlarini tashkil etish;

Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag'ishlab o'tkazilayotgan tadbirlarni akademiya rasmiy sayti, ijtimoiy tarmoqlarda keng yoritib borish;

Fanlar akademiyasi ilmiy tashkilotlari faoliyatiga oid press-tur va press-konferensiyalar tashkil etish;

axborot texnologiyalari sektori bilan birgalikda akademiya sayti bosh sahifasida mazkur tadbirga bag'ishlangan dizayn bilan bezash (fotosuratlar, ishlanmalar va h.k.z. bilan birga);

taniqli olim, akademiklar faoliyatiga oid qisqa ma'lumotlarni tegishli video, fotosuratlar bilan akademiya saytiga joylashtirib borish;

Fanlar akademiyasi logotipi tushirilgan, uning faoliyatiga oid buklet va varaqalar matnlarini tayyorlash;

tayyorlanadigan banerlar uchun matn va materiallar ustida ishlash va taqdim etish;

tayyorlanadigan peshlavha shiorlari uchun matnlar ustida ishlash va taqdim etish.

12. Bosh ilmiy kotib (G.A. Baxadirov), vitse-prezidentlar (B.T. Ibragimov, S.Z. Mirzayev, B.A. Abduxalimov), Tashkiliy-tahliliy bo'lim boshlig'i (O'.S. Maxmudov) **bir oy muddatda** Ilm-fan kunini belgilash bo'yicha Fanlar akademiyasi, Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda manfaatdor tashkilotlar hamda yirik olimlardan iborat ishchi guruh tuzish choralari ko'rsin.

Mazkur ishchi guruh:

O'zbekistonda ilm-fan kuni belgilash bo'yicha muzokaralar va davra suhbatlarini o'tkazish;

Ilm-fan kuni belgilovchi normativ-huquqiy hujjat loyihasini tegishli vazirlik, idora va tashkilotlar bilan kelishilgan holda Vazirlar Mahkamasiga kiritishni ta'minlansin.

13. Bosh ilmiy kotib (G.A. Baxadirov), vitse-prezidentlar (B.T. Ibragimov, S.Z. Mirzayev, B.A. Abduxalimov), tegishli fanlar bo'limlari rahbarlari (J.J. Tashpulatov, S.A. Baxramov, N.A. Mustafayeva), Tashkiliy-tahliliy bo'lim boshlig'i (O'.S. Maxmudov) **joriy yilning 25-sentabriga qadar** Fanlar akademiyasining akademiklari tomonidan oliy ta'lim muassasalari, maktablar, ishlab chiqarish korxonalar va mahallalarda ilm-fan sohasida erishilgan yutuqlar bo'yicha ma'ruzalar qilish reja-grafigini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi Prezidiumiga kiritсинlar.

14. Nashrdan chiqariladigan va targ'ibot materiallarni yuqori saviyada bo'lishini ta'minlash uchun nashrchilik va targ'ibot ishchi guruhi tarkibi **4-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

Nashrchilik va targ'ibot ishchi guruhi (A.A. Xakimov) **5 kun muddatda** Fanlar akademiyasi tomonidan nashrga tayyorlanayotgan materiallarni tayyorlash va tahrirdan o'tkazish bo'yicha amalga oshiriladigan tadbirlar rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi prezidiumiga kiritсин.

Unda, jumladan:

Fanlar akademiyasi 80-yillik yubileyiga bag'ishlangan kitobni 3 tilda tayyorlash;
chop etishga tayyorlanayotgan barcha nashr materiallarini sifatli tahrirdan o'tkazish;

Fanlar akademiyasining tashkil topishi va rivojlanishi hamda mustaqillik yillarida fanning davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishiga va ilmiy-tadqiqot faoliyatini takomillashtirishga bag'ishlangan hujjatli filmni yaratish va yubiley tadbirlari doirasida uning taqdimotini o'tkazish;

Fanlar akademiyasi tashkil topganligining 80-yilligiga bag'ishlangan pochta markalari va konvertlar turkumi, taqvimlar va ko'rgazmali axborot vositalari, esdalik tangalari, kumush va oltin yubiley tangalari eskizlarini ishlab chiqilishida faol ishtirok etish ko'zda tutilsin.

15. Fanlar akademiyasi 80-yillik yubileyiga bag'ishlangan innovatsion ishlanmalar ko'rgazmasini tashkil etish bo'yicha ishchi guruh tarkibi **5-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

Innovatsion ishlanmalari ko'rgazmasi ishchi guruhi (F.A. Karimova) **5 kun muddatda** ilmiy ishlanmalar ko'rgazmasini rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi prezidiumiga kiritsin.

16. "Fanlar akademiyasi tarixi" ekspozitsiyasini tashkil etish bo'yicha ishchi guruh tarkibi 6-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

Yekspozitsiya ishchi guruhi (J.H. Ismoilova) **5 kun muddatda** "Fanlar akademiyasi tarixi" ekspozitsiyasini rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi Prezidiumiga kiritsin.

17. Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag'ishlangan yubiley tadbirlari ishtirokchilarini kutib olish va hamrohlik qilish bo'yicha ishchi guruhi tarkibi **7-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

Kutib olish va hamrohlik qilish bo'yicha ishchi guruh (S.Z. Mirzayev) **5 kun muddatda** xalqaro konferensiya ishtirokchilarini Toshkent shaxrida kutib olish va ularga hamrohlik qilish bo'yicha amalga oshiriladigan tadbirlar rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi Prezidiumiga kiritsin.

Unda, jumladan:

konferensiya ishtirokchilari ro'yxatini shakllantirish;

ishtirokchilarga taklifnomalar yuborish;

ishtirokchilarning aviachiptalarini xarid qilish;

ishtirokchilarning vizalarini rasmiylashtirish;

ishtirokchilarni aeroportda kutib olish, kuzatib qo'yish va mehmonxonalarga joylashtirish;

ishtirokchilarga hamrohlik qiluvchilarni belgilash.

ishtirokchilarga tibbiy xizmat ko'rsatish choralari ko'zda tutilsin.

18. Moddiy-ta'minot ishlari bo'yicha ishchi guruhi (B.N. Kadirov) **5 kun muddatda** yubiley tantanalarini yuksak saviyada o'tkazish uchun amalga oshiriladigan tadbirlar rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun Fanlar akademiyasi prezidiumiga kiritsin..

Unda, jumladan:

Fanlar akademiyasi tarixi ekspozitsiyalari uchun xona ajratish va uni talab darajasida jihozlash;

Fanlar akademiyasi Prezidiumining majlislar zallarini tegishli jihozlar bilan ta'minlash;

Fanlar akademiyasining innovatsion ishlanmalari ko'rgazmasini o'tkazish bo'yicha tashkiliy ishlarni amalga oshirish, jumladan, stendlar tayyorlash va o'rnatish, ishtirokchilarga kofe-breyklar, tushliklarni tashkillashtirish chorasini ko'rish;

bayroqlar, banerlar, beydjiklar, ko'krak nishonlari, portfellar, papkalar, esdalik sovg'alari, bloknotlar, ruchkalar, futbolka, kepkalar, peshlavha shiorlarini tayyorlanishi e'tiborga olinsin.

Bundan tashqari, yubiley tadbirlari o'tkaziladigan obektlarni, shu jumladan mehmonxonalarni tayyorlash yuzasidan tashkiliy tadbirlarda faol ishtirok etsin.

Yubiley tadbirlari o'tkaziladigan va ishtirokchilar yashaydigan joylarda, shuningdek, Islom Karimov nomidagi "Toshkent" xalqaro ayeroportida sanitariya-yepidemiologik tadbirlarni amalga oshirilishini ta'minlasin.

19. Ilm fan targ'iboti markazi direktor o'rinbosari (M.S. Abdullayev), Fanlar akademiyasi prezidenti maslahatchisi (O.B. Azizova) Fanlar akademiyasi tashkil topganligining 80-yilligiga bag'ishlangan pochta markalari va konvertlar turkumini yaratish, taqvimlar va ko'rgazmali axborot vositalari, esdalik tangalari, kumush va oltin yubiley tangalarini muomalaga chiqarishga oid tashkiliy ishlarni amalga oshirsin.

20. Fanlar akademiyasi prezidenti maslahatchisi (O.B. Azizova) Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag'ishlab tizim ilmiy tashkilotlari yosh olimlar jamoalari ishtirokida "Zakovat" intellektual o'yini musobaqalarini tashkil qilish bo'yicha chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqsin.

Bunda quyidagilar ko'zda tutilsin:

"Zakovat" o'yini o'tish joyini aniqlash, o'yin uchun zaruriy texnika bilan jihozlash va intellektual savollar bilan ta'minlash choralari ko'rish;

Fanlar akademiyasi ilmiy tashkilotlari o'rtasida saralash bosqichini o'tkazish;

Finalga chiqqan ikki jamoa o'rtasida "Zakovat" breyn-ring o'tkazish.

21. Fanlar akademiyasi Prezidiumi **10 kun muddatda** muhokamaga kiritilgan tadbirlar rejalarini Ishchi komissiya bilan birgalikda ko‘rib chiqsin va tasdiqlasin.
22. Bosh ilmiy kotib (G.A. Baxadirov), vitse-prezidentlar (B.T. Ibragimov, S.Z. Mirzayev, B.A. Abduxalimov), ularga tegishli bo‘linma va xizmatlar, akademiya tizimidagi barcha tashkilotlar rahbarlari tashkil etilgan ishchi guruhlar faoliyatiga mas‘ul xodimlarni jalb etish, guruhlariga kerakli materiallarni belgilangan muddatlarda topshirilishini ta‘minlasinlar.
23. Vitse-prezidentlar (B.T. Ibragimov, S.Z. Mirzayev, B.A. Abduxalimov), Monitoring bo‘limi (F.A. Karimova), ilmiy tashkilotlar rahbarlari Fanlar akademiyasi innovatsion ishlanmalari ko‘rgazmasi uchun ilmiy ishlanmalar eksponatlari tayyorlanishini tashkil etsinlar.
24. Bosh ilmiy kotib (G.A. Baxadirov), vitse-prezidentlar (B.T. Ibragimov, S.Z. Mirzayev, B.A. Abduxalimov), kadrlar bo‘lim boshlig‘i (D.T. To‘rayeva) mamlakatimiz ilm-fan rivoji yo‘lidagi katta xizmatlari, oliy malakali ilmiy xodimlarni tayyorlash borasidagi ko‘p yillik fidokorona mehnati bilan tanilgan xodimlarni taqdirlashga tavsiya qilish choralari ko‘rsin.
- Bunda quyidagilar ko‘zda tutilsin:

Respublikamizning iqtisodiy va ma‘naviy yuksalishiga qo‘shayotgan beqiyos hissasi, ko‘p yillik samarali ilmiy-ijodiy faoliyati, yuqori malakali ilmiy kadrlarni tayyorlash, boy ma‘naviy merosimizni o‘rganish, uni xalqaro jamoatchilik o‘rtasida keng targ‘ib qilish, millatlararo do‘stlik va totuvlikni mustahkamlash borasidagi xizmati bilan ajralib turgan hamda jamoat ishlarida faol qatnashayotgan xodimlar ro‘yxatini shakllantirish;

Ro‘yxatni Vazirlar Mahkamasiga taqdim etish.

25. Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag‘ishlangan tadbirlarni o‘tkazish bo‘yicha Ishchi komissiya barcha ishchi guruhlar faoliyatini muvofiqlashtirib borsin va har haftaning dushanba kuni barcha ishchi guruhlar ishtirokida yubeliyga tayyorgarlik ko‘rish bo‘yicha amalga oshirilgan ishlarni tahlil qilish maqsadida yig‘ilishlar o‘tkazib, natijasi asosida barcha ishchi guruhlar faoliyatini muvofiqlashtirish chorasini ko‘rib borsin.
26. Mazkur buyruq ijrosini nazorat qilishni o‘z zimmamda qoldiraman.

O‘zR FA prezidenti




B.S. Yuldashev



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi prezidentining
2023-yil - 10.08.2023 - 10.08.2023
sonli buyrug'iga 1-ilova

**Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag'ishlangan tadbirlarni o'tkazish bo'yicha
ishchi komissiya**


T.r	F.I.Sh.	Lavozimi
1.	B.S. Yuldashev	– Fanlar akademiyasi prezidenti, ishchi komissiya raisi
2.	G.A. Baxadirov	– Bosh ilmiy kotib
3.	B.T. Ibragimov	– Vitse-prezident
4.	S.Z. Mirzayev	– Vitse-prezident
5.	B.A. Abduxalimov	– Vitse-prezident
6.	S.A. Baxramov	– Fizika-matematika va texnika fanlari bo'limi rahbari- ilmiy kotibi
7.	J.J. Tashpulatov	– Kimyo-biologiya bo'limi rahbari-ilmiy kotibi
8.	N.A. Mustafayeva	– Ijtimoiy-gumanitar fanlari bo'limi rahbari-ilmiy kotibi
9.	N.M. Maxmudov	– Direktorlar kengashi raisi
10.	O.S. Mahmudov	– Tashkiliy-tahliliy bo'lim boshlig'i
11.	B.N. Kadirov	– Ishlar boshqaruvchisi
12.	N.S. Oxundedayeva	– Xalqaro aloqalar shu'basi boshlig'i
13.	D.D. To'rayeva	– Ilmiy kadrlar bo'limi boshlig'i
14.	N.A. Abduraxmanova	– Umumiy bo'lim boshlig'i
15.	G.R. Sharafova	– Matbuot kotibi
16.	N.B. Tilovov	– Axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish shu'basi boshlig'i
17.	O.B. Azizova	– Fanlar akademiyasi prezidenti maslahatchisi
18.	F.A. Karimova	– Ilmiy tadqiqotlarni muvofiqlashtirish bo'limi boshlig'i
19.	J.A. Mirkamilov	– Moliya-iqtisod bo'limi boshlig'i
20.	M.T. Yakubova	– Bosh hisobchi
21.	L.M. Djamanbayeva	– Maxsus bo'lim boshlig'i
22.	X.M. Yadgarov	– Yuriskonsult



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi prezidentining
2023-yil 19-sentabr
dagi sonli buyrug'iga 2-ilova

**Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag'ishlangan "Ilm-fan yangi O'zbekiston poydevori"
xalqaro konferensiyasini tashkil etish bo'yicha ishchi guruhi**

T.r	F.I.Sh.	Lavozimi
1.	G.A. Baxadirov	– Fanlar akademiyasi bosh ilmiy kotibi, ishchi guruh raisi
2.	S.A. Baxramov	– Fizika-matematika va texnika fanlari bo'limi rahbari-ilmiy kotibi
3.	O.B. Azizova	– Fanlar akademiyasi prezidenti maslahatchisi
4.	J.J. Tashpulatov	– Kimyo-biologiya bo'limi rahbari-ilmiy kotibi
5.	N.A. Mustafayeva	– Ijtimoiy-gumanitar fanlari bo'limi rahbari-ilmiy kotibi
6.	O.S. Mahmudov	– Tashkiliy-tahliliy bo'lim boshlig'i
7.	N.S. Oxundedayeva	– Xalqaro aloqalar sho'basi boshlig'i
8.	N.B. Tilovov	– Axborot kommunikatsiyalarini rivojlantirish shu'basi boshlig'i
9.	B.N. Kadirov	– Ishlar boshqaruvchisi
10.	J.A. Mirkamilov	– Moliya-iqtisod bo'limi boshlig'i
11.	M.T. Yakubova	– Bosh hisobchi
12.	M.S. Abdullayev	– Ilm fan targ'iboti markazi direktori o'rinbosari
13.	M.V.Kremkov	– Ilm fan targ'iboti markazi mutaxassisi
14.	D.B. Faxriddinov	– Tashkiliy-tahliliy bo'lim mutaxassisi



Ilm-fan sohasida erishilgan yutuqlarini yoritish, bu sohadagi davlat siyosatining mohiyatini keng tushuntirish bo'yicha tashkiliy-targ'ibot tadbirlarni amalga oshirilishini ta'minlash uchun axborot ishchi guruhi

T.r	F.I.Sh.	Lavozimi
1.	G.R. Sharafova	– Fanlar akademiyasi matbuot kotibi, ishchi guruh raisi
2.	O.R. Jo'raboyev	– Alisher Navoiy nomidagi Davlat muzeyi direktorining o'rinbosari
3.	M.O. Otajonova	– O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti direktori o'rinbosari
4.	M.X. Baratov	– Davlat va huquq instituti Fuqarolik huquqi, xalqaro huquq bo'limi boshlig'i
5.	V.N Axmedov	– Zoologiya instituti kichik ilmiy xodimi
6.	S.K. Shoyimardonov	– Matematika instituti ilmiy kotibi
7.	M.A. Shamsiyev	– Tarix instituti direktorining umumiy ishlar bo'yicha o'rinbosari



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi prezidentining
2023 yil 19-sentabr
sonli buyrug'iga 4-ilova

**Nashrdan chiqariladigan va targ'ibot materiallarni yuqori saviyada bo'lishini ta'minlash
uchun nashrchilik va targ'ibot ishchi guruhi**


T.r	F.I.Sh.	Lavozimi
1.	A.A. Xakimov	– Ilm fan targ'iboti markazi direktori, ishchi guruh raisi
2.	M.S. Abdullayev	– Ilm fan targ'iboti markazi direktor o'rinbosari, ishchi guruh boshlig'i o'rinbosari
3.	A.A. Isakova	– Ilm-fan targ'iboti markazi mas'ul kotibi, ishchi guruh raisi o'rinbosari
4.	M.V. Kremkov	– Ilm-fan targ'iboti markazi bo'lim boshlig'i, ishchi guruh a'zosi
5.	S.Sh. Aliyeva	– Ilm-fan targ'iboti markazi muxbiri, ishchi guruh a'zosi
6.	O.B. Azizova	– Ilm-fan targ'iboti markazi muxbiri, ishchi guruh a'zosi
7.	Z.S. Muxsinova	– Ilm-fan targ'iboti markazi menejeri, ishchi guruh a'zosi
8.	K.X. Abdullayeva	– Ilm-fan targ'iboti markazi bo'lim boshlig'i, ishchi guruh a'zosi
9.	D.Sh. Abdullayev	– Ilm-fan targ'iboti markazi bo'lim boshlig'i



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi prezidentining
2023-yil 19 sentabr
sonli buyrug'iga 5-ilova

**Fanlar akademiyasi 80-yillik yubileyiga bag'ishlangan innovatsion ishlanmalar
ko'rgazmasini tashkil etish bo'yicha ishchi guruh**

T.r	F.I.Sh.	Lavozimi
1.	F.A. Karimova	– Ilmiy tadqiqotlarni muvofiqlashtirish bo'limi boshlig'i, ishchi guruh raisi
2.	S.A. Baxramov	– Fizika-matematika va texnika fanlari bo'limi rahbari
3.	N.A. Mustafayeva	– Ijtimoiy-gumanitar fanlari bo'limi rahbari
4.	J.J. Tashpulatov	– Kimyo-biologiya fanlari bo'limi rahbari
5.	F.S. Bulolov	– Moddiy fondlar bo'yicha bosh mutaxassis
6.	N.B. Tilovov	– Axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish shu'basini boshlig'i



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi prezidentining
2023-yil 10-sentabr
sonli buyrug'iga 6-ilova

“Fanlar akademiyasi tarixi” ekspozitsiyasini tashkil etish bo'yicha ishchi guruh

T.r	F.I.Sh.	Lavozimi
1.	J.H. Ismoilova	– O'zbekiston tarixi davlat muzeyi direktori, ishchi guruh raisi
2.	X.T. Fayziyev	– Temuriylar tarixi davlat muzeyi direktori, ishchi guruh raisi o'rinbosari
3.	J.S. Eshonqulov	– Alisher Navoiy nomidagi Davlat muzeyi direktori
4.	F. Usarova	– O'zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo'yicha muvofiqlashtiruvchi metodik markaz direktori
5.	N.A. Mustafayeva	– Ijtimoiy-gumanitar fanlari bo'limi rahbari
6.	M.V. G'ofurova	– Fizika-matematika va texnika fanlari bo'limi rahbari o'rinbosari
7.	U.T. Karimov	– Kimyo-biologiya fanlari bo'limi rahbari o'rinbosari
8.	A.F. Ismailov	– O'zbekiston tarixi davlat muzeyi ilmiy kotibi, ishchi guruh kotibi



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi prezidentining
2023-yil 29 - sentabr dagi
14-sonli buyrug'iga 7-ilova

**Fanlar akademiyasining 80-yilligiga bag'ishlangan yubiley tadbirlari ishtirokchilarini
kutib olish va hamrohlik qilish bo'yicha ishchi guruh**

1. S.Z. Mirzayev – Vitse-prezident, ishchi guruh raisi
2. N.S. Oxundedayeva – Xalqaro aloqalar sho'bası mudiri, ishchi guruh raisi o'rinbosari
3. V.Y.Xolov – Tarix instituti xalqaro aloqalar bo'yicha mutaxassisi
4. U.Sh Rahmonov – Sharqshunoslik instituti xalqaro aloqalar bo'yicha mutaxassisi
5. F.D. Djumaniyazova – Sharqshunoslik instituti katta ilmiy xodimi
6. Q.K. Yakubov – Sharqshunoslik instituti katta ilmiy xodimi
7. B.A. Ergashev – Fizika-texnika instituti direktor o'rinbosari
8. J.S. Axatov – Fizika-texnika instituti laboratoriya mudiri
9. A.Sh. Mullayev – Yangi tarix markazi katta ilmiy xodimi
10. H.A. Abdurasulov – Sharqshunoslik instituti kichik ilmiy xodimi
11. F.Musayeva – O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti doktoranti
12. G.M Ismoilov – O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy kotibi
13. O.A Roziqov – Matematika instituti direktor o'rinbosari
14. B.H. Toshtemirov – Matematika instituti tayanch doktoranti
15. O.Y Aripdjanov – San'atshunoslik instituti katta ilmiy xodimi



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 9 » сентябрь

№ПҚ–298

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида

Илм-фан соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини, соҳа ходимлари ва олимларга бўлган эътибор янада оширилаётганини, Фанлар академиясининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги юксак ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 173-бандида Ўзбекистон Республикаси **Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигини** (кейинги ўринларда – юбилей тадбирлари) **кенг нишонлаш** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фанлар академиясининг юбилей тадбирларини чет элдаги олимларни жалб қилган ҳолда **2023 йил 12–14 декабрь кунлари** Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) **1-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

“Илм-фан – Янги Ўзбекистон пойдевори” мавзусида халқаро конференция ташкил этиш ва ўтказиш;

Инновацион ишланмалар кўргазмасини ташкил этиш;

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академикликка) танлов ўтказиш;

“Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарихи” экспозициясини ташкил этиш.

5. Ташкилий қўмита (А.Арипов):

Дастурда белгиланган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган почта маркалари ва конвертлар, тақвимлар ва кўргазмали ахборот воситалари туркумини яратиш, эсдалик, қумуш ва олтин юбилей тангаларини муомалага чиқариш;

юбилей тадбирлари ўтказиладиган объектларни, шу жумладан меҳмонхоналарни тайёрлаш, Тошкент шаҳридаги ташриф буюриладиган жойларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

юбилей тадбирлари иштирокчиларининг етиб келиши, уларни жойлаштириш, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг жўнаб кетиши масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш;

юбилей тадбирлари ўтказиладиган ва иштирокчилар яшайдиган жойларда, шунингдек, Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида санитария-эпидемиологик тадбирларни амалга ошириш;

юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини тасдиқлаш ва зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминлаш;

юбилей тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ амалга оширилган ҳақиқий харажатларнинг асослилигини назорат қилиш;

юбилей тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки:

Дастурда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

юбилей тадбирларининг **очишиш маросими** “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ҳамда юбилей тадбирлари доирасидаги **халқаро конференция** Фанлар академиясининг мажлислар залида ўтказилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатининг 28-бандига мувофиқ халқаро ва давлатлараро даражадаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов) Фанлар академиясининг виза талабномаларига биноан юбилей тадбирларида иштирок этувчи хорижий иштирокчилар учун Ўзбекистон Республикасига кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) юбилей тадбирлари доирасида ўтказилиши белгиланган Инновацион ишланмалар кўргазмасини ташкил этишда Фанлар академиясига кўмаклашсин.

10. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) **бир ой муддатда** Фанлар академиясининг ташкил топиши ва ривожланиши ҳамда мустақиллик йилларида фаннинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига ва илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган ҳужжатли фильмни яратсин ва юбилей тадбирлари доирасида унинг тақдимотини ўтказсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) юбилей тадбирлари ўтадиган объектларда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини қатъий назоратга олсин, шунингдек, туну кун ишлайдиган тез тиббий ёрдам мобиль гуруҳлари навбатчилигини ташкил этсин.

12. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов):

Миллий гвардия (Р.Джураев) билан биргаликда юбилей тадбирлари ўтказиладиган ҳудудларда иштирокчи ва меҳмонлар тўпланадиган жойларда, меҳмонхоналарда ҳамда уларнинг атрофида жамоат тартибини сақлаш;

юбилей тадбирларига ташриф буюрадиган делегация аъзолари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ ҳамроҳлик қилиш чораларини кўрсин.

13. Фавқулдда вазиятлар вазирлиги (А.Қўлдошев) юбилей тадбирлари ўтказиладиган объектлар ҳамда уларнинг атрофида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкиллаштиради.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) Фанлар академияси билан биргаликда бир ҳафта муддатда Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган мақолалар эълон қилиш, тематик телекўрсатувлар намойиш этиш бўйича медиа-режа қабул қилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган
юбилей тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ташкилий қўмита
ТАРКИБИ**

1. А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,
Ташкилий қўмита раиси
2. О.Қ. Абдурахманов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси Ижтимоий ривожланиш
департаментининг раҳбари, *Ташкилий қўмита
раиси ўринбосари*
3. Б.С. Юлдашев – Фанлар академияси президенти, *Ташкилий
қўмита раиси ўринбосари*
4. И.Ю. Абдурахмонов – олий таълим, фан ва инновациялар вазири
5. И.Р. Махкамов – транспорт вазири
6. А.Ш. Иноятов – соғлиқни сақлаш вазири
7. Б.О. Саидов – ташқи ишлар вазири
8. П.Р. Бобожонов – ички ишлар вазири
9. А.Ҳ. Қўлдошев – фавқулодда вазиятлар вазири
10. О.А. Назарбеков – маданият вазири
11. Р.М. Джураев – Миллий гвардия қўмондони
12. О.Р. Фазилкаримов – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
13. Ф.Ф. Абдухолиқов – Кинематография агентлиги бош директори
14. А.К. Кўчимов – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
бош директори
15. А.Д. Хаджаев – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
раиси
16. Ш.Б. Умурзаков – Тошкент шаҳри ҳокими в.б.

17. Ш.Ш. Худайкулов – “Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви раиси
18. А.М. Абдукаримов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими, *Ташкилий қўмита котиби*

Изоҳ: *Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.*

**Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган
юбилей тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
Фанлар академияси ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг юбилейга бағишланган тадбирлари					
1.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва “Илм-фан – янги Ўзбекистон пойдевори” мавзусидаги халқаро конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тантанали мажлис ва халқаро конференцияни ўтказиш жойини тайёрлаш. 2. Тантанали мажлис ва халқаро конференция дастури ва иштирокчилари рўйхатларини шакллантириш. 3. Тантанали мажлис ва халқаро конференцияни юқори савияда ўтказиш. 	2023 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси маблағлари*	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фазилкаримов), Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Ш.Умурақов)
2.	Астрономия институти ташкил топганлигининг 150 йиллигига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Конференция материалларини шакллантириш. 3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш. 	2023 йил декабрь	Давлат бюджетидан Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Астрономия институти (Ш.Эгамбердиев)
3.	Бухоро вилоятида “Ядровий тиббиёт” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Конференция материалларини шакллантириш. 	2023 йил октябрь	Давлат бюджетидан Фанлар академиясига ажратилган	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Ядро физикаси институти (И.Садиқов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
4.	Астрономия институтида “Суффа” лойиҳаси – миллиметр ва субмиллиметр астрономияси ривожланишининг истиқболлари” мавзусидаги Учинчи Ўзбекистон-Россия илмий анжуманини ўтказиш.	<p>3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш.</p> <p>4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.</p> <p>1. Анжуманни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Анжуман материалларини шакллантириш.</p> <p>3. Анжуман дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш.</p> <p>4. Анжуманни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил октябрь	<p>маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p> <p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Астрономия институти (Ш.Эгамбердиев)
5.	Инновацион ишланмалар кўргазмасини ташкил этиш.	<p>1. Инновацион ишланмалар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ишланмаларнинг кўргазмалари материалларини тайёрлаш.</p> <p>3. Кўргазма ўтказиладиган жойни тайёрлаш.</p> <p>4. Кўргазма тўғрисида ОАВда эълон бериш.</p> <p>5. Кўргазмани манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил декабрь	<p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Тошкент шаҳри ҳокимлиги (Ш.Умурақов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фазилкаримов)
6.	Биоорганик кимё институтида академик Обид Содиқов таваллудининг 110 йиллигига бағишланган “Биоорганик кимёни шакллантириш.	<p>1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Конференция материалларини шакллантириш.</p>	2023 йил ноябрь	<p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига</p>	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Биоорганик кимё институти

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш.	3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.		ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари	(А.Тураев)
7.	Фанлар академиясининг Хоразм Маъмун академиясида “Табийй фанларда инновацион ечимлар: замонавий тадқиқотлар ва илм-фан интеграцияси” мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш.	1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Конференция материалларини шакллантириш. 3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.	2023 йил октябрь	Давлат бюджетидан Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Хоразм Маъмун академияси (И.Абдуллаев)
8.	Умумий ва ноорганик кимё институти ташкил топганлигининг 90 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон минерал-хомашё ресурсларини қайта ишлашнинг илғор технологияларини яратиш ва фойдаланишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика конференциясини ўтказиш.	1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Конференция материалларини шакллантириш. 3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.	2023 йил ноябрь	Давлат бюджетидан Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Умумий ва ноорганик кимё институти (А.Ибрагимов)
9.	“Замонавий фундаментал ва таъбиқий муаммолари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш.	1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Конференция материалларини шакллантириш.	2023 йил октябрь	Давлат бюджетидан Фанлар академиясига	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Физика-техника институти (Х.Олимов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
10.	“Фундаментал ва амалий микробиологиянинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш.	<p>3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш.</p> <p>4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил сентябрь	<p>ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p> <p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	<p>Фанлар академияси (Б.Юлдашев)</p> <p>Микробиология институти (К.Давранов)</p>
11.	Али ал-Қушчининг 620 йиллигига бағишланган “Математика ва астрономиянинг замонавий муаммолари ва ривожланиш омиллари” мавзусидаги халқаро илмий конференцияни ўтказиш.	<p>1. Али ал-Қушчининг 620 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Конференция материалларини шакллантириш.</p> <p>3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш.</p> <p>4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил сентябрь	<p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов),</p> <p>Фанлар академияси (Б.Юлдашев),</p> <p>Математика институти (Ш.Аюлов),</p> <p>Астрономия институти (Ш.Эгамбердиев)</p>
12.	“Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарихи” экспозициясини ташкил этиш.	<p>1. Фанлар академияси илмий ташкилотлари материаллари асосида экспозиция рўйхатини шакллантириш.</p>	2023 йил декабрь	<p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига</p>	<p>Фанлар академияси (Б.Юлдашев),</p> <p>Ўзбекистон тарихи давлат музейи</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
13.	Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида “Оптик ва лазер физикасининг муаммо ва истиқболлари” республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"> 2. Кўргазмалар материалларни тайёрлаш. 3. Экспозиция ўтказиладиган жойни тайёрлаш. 4. Экспозиция тўғрисида ОАВда эълон бериш. 5. Экспозицияни манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида юқори савияда ўтказиш. 	2023 йил октябрь	<p>ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p> <p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Ион-плазма ва лазер технологиялари институти (Х.Ашуров)
14.	Иммунология ва инсон геномикаси институтида академик Т.У.Арипова таваллудининг 70 йиллигига бағишланган “Чегара билмас ҳамдўстлик” орфан касалликларни ташхислаш ва даволаш бўйича Иккинчи Евроосиё форумини ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Форумни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Форум материалларини шакллантириш. 3. Форум дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Форумни юқори савияда ўтказиш. 	2023 йил октябрь	<p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Иммунология ва инсон геномикаси институти (Т.Арипова)
15.	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига танлов ўтказиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Танлов комиссияси таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш. 2. Танлов бўйича ўрнатилган тартибда ОАВда эълон бериш. 	2023 йил сентябрь–ноябрь	Давлат бюджетидан маблағлари	Фанлар академияси (Б.Юлдашев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
16.	Фанлар академияси Ёш олимлар конференциясини ўтказиш.	<p>3. Талабгорлар ҳужжатларини йиғиб олиш.</p> <p>4. Келиб тушган ҳужжатларни дастлабки техник экспертизадан ўтказиш.</p> <p>5. Талабгорларни маърузалари ва ҳужжатлари асосида ўрнатилган тартибда баҳолаш.</p> <p>6. Танлов якуни бўйича комиссия хулосасини шакллантириш ва тасдиқлаш учун Фанлар академияси президиумига тақдим этиш.</p> <p>7. Фанлар академияси президиуми қарори асосида тегишли материалларни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Конференция материалларини шакллантириш.</p> <p>3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш.</p> <p>4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил октябрь	<p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	Фанлар академияси (Б.Юлдашев)
17.	“Полимерлар ҳақидаги фаннинг истиқболлари. Нанополимерлар синтези, структураси ва қўлланиши” мавзусидаги Ўзбекистон-Россия симпозиумини ўтказиш.	<p>1. Симпозиумни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Симпозиум материалларини шакллантириш.</p> <p>3. Симпозиум дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш.</p> <p>4. Симпозиумни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил ноябрь	<p>Давлат бюджетидан</p> <p>Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Полимерлар кимёси ва физикаси институти (С.Рашидова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
18.	<p>“Яримўтказгичли ва наноструктураларда фотоэлектрик жараёнлар” мавзусидаги VI халқаро конференцияни ўтказиш.</p>	<p>1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Конференция материалларини шакллантириш. 3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил сентябрь	<p>Давлат бюджетидан Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б.Юлдашев)</p>
19.	<p>Ўзбекистон тарихи давлат музейида “Музейлар: анъана, новация ва реновация интеграцияси” мавзусида халқаро конференция ўтказиш.</p>	<p>1. Конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Конференция материалларини шакллантириш. 3. Конференция дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Конференцияни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил октябрь	<p>Давлат бюджетидан Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	<p>Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Ўзбекистон тарихи давлат музейи (Ж.Исмоилова)</p>
20.	<p>“Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 80 ёшда” мавзусидаги анжуман ҳамда китоблар кўргазмасини ўтказиш.</p>	<p>1. Анжуманни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркибини шакллантириш. 2. Анжуман материалларини шакллантириш. 3. Анжуман дастури ва материалларини чоп этиш ҳамда тарқатиш. 4. Анжуманни юқори савияда ўтказиш.</p>	2023 йил ноябрь	<p>Давлат бюджетидан Фанлар академиясига ажратилган маблағлар ва унинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари</p>	<p>Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Шарқшунослик институти (Б.Абдухалимов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли ва механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
